O'ZBEKISTON

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 15 ноябрь пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 233 (2795)

## БУЮК БРИТАНИЯДА «ИСЛОМ КАРИМОВ» ТУРНИРИ

Буюк Британиянинг Дардфорд шаҳрида кураш бўйича иккинчи бор халқаро, айни пайтда анъанавий «Ислом Каримов» турнири бўлиб ўтди. Буюк Британия Қироллигининг ўндан зиёд давлатлари ва грециялик полвонлар гиламга тушган очиқ турнирда Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсупов раҳбарлигидаги делегация меҳмон сифатида иштирок этди. Кураш натижаларига кўра ўзбек кураши сирларини пухта эгаллаган Жей Энварде (Дардфорд), Доминик Лам (Крисчорч), Геогригиус Андераус (Греция) сингари полвонлар ғолиблик шохсупасини эгалладилар. Улар турнир ташкилотчиларининг махсус совринларидан ташқари ўзбек зарчапонлари, дўппию халқ ҳунармандлари томонидан тайёрланган эсдалик буюмлари билан ҳам тақдирландилар.

Тўғри, турнирда дунёнинг турли бурчакларидан келган полвонлар ғолиб бўлди. Бироқ асосий ғолиб — довруғи дунёга танилаётган ва тан олинаётган ўзбекнинг ўз курашидир.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 ноябрь куни Оқсаройда Буюк Британия мудофаа вазири Жефри Хунни қабул қилди.

Буюк Британия мудофаа вазири Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хусусан, халқаро терроризмга қарши кураш борасида юритаётган сиёсати ва амалий саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Мулоқот чоғида минтақадаги вазият, Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини, жумладан, ҳарбий-техникавий соҳада ҳам янада мустаҳкамлашга қаратилган масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Муҳаммад АМИН олган суратлар.**

## ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

### *ёхуд икки палатали парламент ҳақидаги мулоҳазалар*

- **Икки палатали парламент фаолият кўрсатаётган мамлакатлар сони тобора кўпайиб бормоқда.**
- **Биз нега бу йўлни энди танладик?**
- **Парламент ислоҳотининг биринчи босқичи тугади, навбат — иккинчи босқичга**
- **Янги парламент қандай афзалликларга эга бўлиши мумкин?**

Қонун чиқарувчи орган — Парламентнинг неча палатадан иборат бўлиши бугунги кунда замонавий парламентаризмнинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Парламент институтларининг турфа хиллиги сиёсатчилар, олимлар, сиёсатшунослар учун доимо баҳс-мунозара мавзуси бўлиб келган. Парламентнинг қай шаклда бўлиши кўп жиҳатдан ўша давлатдаги мавжуд сиёсий вазият ҳамда конституцион тизимнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқдир.

Хўш, бугунги кунда дунё миқёсида парламентлар таркиби қандай шаклланмоқда?

Маълумки, айни пайтда замонавий қонун чиқарувчи идораларнинг бир ёки икки палатали шакли нисбатан кенг тарқалган. Кўпчилик икки палатали парламентлар фақат федератив моделли давлатлардагина бўлиши мумкин, деган фикрни ҳам билдиради. Лекин тажрибада бундай эмас. Чунки қатор йирик, ривожланган демократик тизимли мамлакатларда давлат тузилишига қарамай (хоҳ у федератив, хоҳ унитар бўлсин), асосан икки палатали парламентлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир эса дунё миқёсида икки палатали парламентларни ташкил этиш тенденциясининг кучайиши кўзга ташланмоқда. Бу жараённи катта ва кичик бўлган унитар давлатларда ҳам кузатиш мумкин. Агар XX асрнинг 70-йилларида атиги 45 та давлат парламентларининг таркиби икки палатали бўлган бўлса, XXI аср бошига келиб, уларнинг сони 70 тага етди. Ва айни пайтда яна 10 дан зиёд давлатда икки палатали парламентни ташкил этиш борасида тайёргарлик кўрилмоқда.

Бугунги кунда федерация шаклидаги йирик давлатлардан ташқари Буюк Британия, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Голландия, Япония, Швейцария, Польша, Чехия, Беларусь, Руминия каби кўплаб унитар давлатларда ҳам икки палатали парламент тизими жорий этилган.

Жаҳон тажрибасида палаталар сони иккитадан кўп бўлган парламентлар ҳам учрайди. Масалан, Жанубий Африка Республикаси парламенти уч палатадан иборат бўлган. Ва у кўп жиҳатдан ирқий тамойилларга асосланган. Югославия парламенти эса бир пайтлар олти палатали бўлган. Унда профессионаллик тамойиллари устуворлик қилган. Лекин улар ҳам вақти келиб, анъанавий парламент шаклларига ўтган. Юқорида айтилганидек, парламентнинг қай шаклда бўлиши ҳар бир давлатнинг тарихи, анъаналари ҳамда ўша пайтдаги мавжуд вазиятга боғлиқдир.

**(Давоми 2-бетда).**

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Буюк Британия мудофаа вазири Жефри Хун мамлакатимизга ташрифининг якунида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Бу — Буюк Британия мудофаа вазирининг юртимизга илк ташрифи. Ушбу амалий ташриф давомида у Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан музокара ўтказди.

Ж.Хун музокара якунлари ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон ҳукумати билан асосан қўшни Афғонистондаги вазият ҳамда Ўзбекистон — Буюк Британия муносабатлари, хусусан, ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашганини маълум қилди. Шунингдек, учрашувларда Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами етказиб бериш масаласи ҳам кўриб чиқилган. Ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорлик борасида эса, икки давлат ўртасида кадрлар тайёрлаш, хусусан, келгусида Буюк Британияда ўзбекистонлик офицерларнинг малакасини ошириш кўзда тутилмоқда.

**(ЎзА).**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Олий Мажлисда "Ўзгаришларни бошқаришда халқ депутатлари кенгашларининг ўрни" туркумидаги навбатдаги семинар бўлиб ўтди. Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамда ТАСИСнинг "Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ва давлат хизматини ислоҳ қилишга кўмаклашиш" дастури билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис депутатлари, Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятлари халқ депутатлари кенгашлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, хорижлик мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ТАСИС дастури доирасида мунтазам равишда ўтказилаётган туркум семинарлар сирасига кирадиган ушбу тадбирда республикамизда давлат бошқарувини номарказлаштириш ва эркинлаштириш муаммолари ҳамда бу жараёнда халқ депутатлари кенгашларининг мавқеини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтган анжуманда Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятлари халқ депутатлари кенгашлари бу борада амалга ошираётган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Европа Иттифоқи, ТАСИС дастури мутахассислари ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Семинарда Олий Мажлис қўмиталари раислари А.Турсунов, А.Саидов, И.Собиров ҳамда ТАСИС дастурининг Ўзбекистондаги раҳбари Роналд Янг иштирок этди.

**(ЎзА).**

## Кун тартибида: КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

Жиззахда республика Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга оид қарорларининг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, банк ва жамғармалар раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, хусусийлаштириш ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олиш бўлимлари, солиқ инспекцияси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси мутасаддилари, ташаббускор тадбиркорлар иштирок этди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу борада қабул қилинаётган қарорларда якка тартибдаги тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш масалалари ўз ифодасини топган. Айни чоғда уларнинг бошланғич капиталини шакллантириш мақсадида етарли маблағ ажратилаяпти. Кичик корхоналарнинг тўла қувват билан ишлашлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Буни Жиззах вилоятида ҳам бирмунча кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, бу вилоятда соҳани ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлар ҳамма жойда ҳам кутилган самарани бермаяпти. Оддий бир мисол. Вилоят бўйича юздан ортиқ кичик ва ўрта бизнес корхонаси кеч рўйхатга олинган. Зарбдор, Янгиобод, Мирзачўл туманларида эса қарор чиққандан кейин уларни рўйхатга олиш камайганини қандай тушуниш мумкин? Аслида якка тартибдаги тадбиркорлар 3 кун муддатда рўйхатга олиниши лозим.

Бугунги кунда вилоятда 9138 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шундан 5109 таси фермер хўжалигидир. Ўтган даврда 175 та тадбиркорлик субъекти ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиб, ариза билан мурожаат этган. Адлия бошқармаси улар фойдасига салкам 74 миллион сўмни ундириш ҳақида судларга даъво аризаларини киритган. Кўриниб турибдики, тадбиркорлар ҳуқуқини менсимаслик, поймол қилиш ҳоллари ҳали ҳам мавжуд.

Бундай камчиликлар тадбиркорларга кредит беришда, айниқса, яққол кўзга ташланади. Уларни бу ишга йўналтириш, шароит яратиб бериш, қўллаб-қувватлаш эътибордан четда қолаяпти. Шу боис вилоят тадбиркорларга кредит бериш бўйича республикада энг охирги ўринларни эгаллаб келмоқда.

Йиғилишда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини янада такомиллаштириш, субъектларга ном қўйишни тартибга солиш, тадбиркорлар билан турли семинарлар, ўқувлар ташкил этиш, банкротга учраган тадбиркорлар билан ишлаш, четга маҳсулот чиқариш мақсадида қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

**Миллий матбуот марказида ҳиндистонлик журналист Алок Шекҳарнинг ҳинд тилида чоп этилган "Ўзбекистон: муваффақиятлар солномаси" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Анжуманда сўзга чиққан Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Баскар Кумар Митра ва бошқалар бу китоб мустақил Ўзбекистон ҳақида тўғри ва ишончли маълумотларни жамлагани билан аҳамиятли эканини таъкидлади.

Китоб муаллифи Алок Шекҳар қарийб ўн йилдан буён ҳинд газетхонларини мамлакатимизда кечаётган сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий жараён билан таништириб бормоқда. Унинг юртимиз ҳақидаги кўплаб мақолалари "Аaж" газетасида мунтазам чоп этиб келиняпти.

"Ўзбекистон: муваффақиятлар солномаси" китоби ҳиндистонлик журналистнинг мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар жараёни, халқимизнинг ҳаётини бевосита кузатишлари асосида юзага келган.

Китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фаолиятига алоҳида боб бағишланган.

Мамлакатимизда кечаётган буюк ўзгаришлар билан ҳинд халқини таништиришда ушбу китоб муайян хизмат қилади, деб таъкидланди тақдимот маросимида.

**(ЎзА).**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

- **Рейтер ахбороти агентлигининг хабар беришича, кеча Афғонистондаги Шимолий альянс кучлари яна беш шаҳарни қўлга киритиб, мамлакатнинг 80 фоиз ҳудудини ўз назоратларига олган. Ушбу хабарда айтилишича, «шимолчилар»нинг Юнус Холис қўмондонлигидаги ҳарбийлари Жалолобод шаҳрини ҳам террорчилардан озод этган. Маълум бўлишича, кеча Шимолий иттифоқ мулозимлари толиблардан ташқари Афғонистондаги барча сиёсий кучлар билан янги ҳукумат тузиш борасидаги мулоқотларни бошлаш ҳақида баёнот беришган.**

- **Вашингтонда Оқ уй раҳбари Жорж Буш ва Россия Президенти В.Путин ўртасидаги олий даражадаги учрашувда**



**ўнга яқин ҳужжатларга имзо чекилди. Президент Ж.Буш АҚШ ўзининг мавжуд ядро қуролларининг кўп қисмини қисқартиришини маълум қилди. Кеча эса ўзаро мулоқотлар Оқ уй раҳбарининг Техасдаги 124 квадрат метр майдонда жойлашган шахсий дала ҳовлисида давом этди.**

- **Польша мудофаа вазири Бронислав Комаровский Афғонистондаги Шимолий иттифоққа қўшимча ҳарбий-техникавий ёрдам кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги таклифни билдирди.**

- **Кеча Пентагон раҳбари Дональд Рамсфелд Кобул шаҳрининг олиниши ҳарбий амалиётларнинг ниҳоясига етаётганлигини билдирмайди, дея баёнот берди. АҚШ мудофаа вазирининг айтишича, терроризм ва террорчиларга қарши кураш ҳали узоқ вақт давом этади.**

- **«Интерфакс» агентлигининг хабар беришича, кеча Иркутскдаги почта ходимлари Россиянинг биринчи Президенти Борис Ельцин номига юборилган шубҳали мактубни ушлаб қолишган. Ҳозирда зирҳланган ушбу хат текширувдан ўтказилмоқда. Дастлабки хулоса шуки, мазкур мактубда куйдирги касаллигини қўзғатувчи бактериялар кукуни солинган бўлиши мумкин.**

- **Болгария халқи яна бир бор сиёсий имтиҳондан ўтади, дея хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси. Гап шундаки, ўтган якшанба куни мамлакат президентлиги учун ўтказилган сайловда амалдаги раҳбар Петр Стоянов ҳам, унинг рақиби Жорж Парванов ҳам сайловчиларнинг 35,2 фоиз овозини олишган. Шу сабаб яқин кунларда мамлакатда президентлик сайловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтади. Кузатувчилар ушбу босқичда Болгариянинг амалдаги раҳбари П.Стоянов имконияти юқорилигини таъкидлашмоқда.**

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

## «Обуна-2002» — Тезкор мусоҳаба

### «Халқ сўзи» — барчамизнинг газетамиз

**Янги йил этак қоқиб келмоқда. Ҳамма жойда ва ҳар бир соҳада Янги йилнинг тадориги кўрилаётир. Биз, журналистлар ҳам йилни сарҳисоб этиб, муштарийлар олдида ўз режаларимизни баён қиладиган пайт келди. Аммо биз бу хайрли ва ёқимли ишдан олдин газетхонларимизнинг мухтасар фикрлари билан ҳам қизиқдик. Тубандаги фикри табарруклар шулар хусусида:**

**Бектурди ЖУМАНИЁЗОВ (Хива тумани) — Ўзбекистон Қаҳрамони:**



— «Халқ сўзи» мен учун ҳам, бутун оиламиз учун ҳам ардоқли. Қаҳрамон бўлганлигим ҳақидаги хушхабар ҳам шу газетада берилган. Президентимиз Фармони ва ўз суратимни «Халқ сўзи»да кўриб, газетани бағримга босдим. Эҳтимол, ўшанда мустақил юртимизнинг мустақил ва мўътабар газетасига севинч ёшларим ҳам томгандир. Шу-шу бу газета оиламиздагиларнинг ҳам, бригада аъзоларининг ҳам қўлидан тушмайди.

**Саме САМАДОВ — Гулистон шаҳридаги лицей директори:**



— Бизнинг камтарин меҳнатимизни эл-юртга биринчи тарғиб-ташвиқ қилган газета — бу «Халқ сўзи»дир. Унинг минбаридан фойдаланиб, улуғ режаларни амалга ошириш ҳақида сўз берганмиз. Демак, бизнинг халқдан ҳам, «Халқ сўзи»дан ҳам қарздорлигимиз бор.

**Нурмуҳаммад ҚУРБОНОВ — Андижон вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари:**



— Қонунчилик мамлакати барпо этаётганимиз ҳаммага аён. Образли қилиб айтганда, «Халқ сўзи»нинг танглайи қонун билан кўтарилгандай. Негаки, ҳеч бир нашр қонунларимизни бу газетачалик тарғиб-ташвиқ қилмайди. Шу боис «Халқ сўзи» бизнинг қуролимизга айланиб қолган. Очиғи, мен ҳар куни ишни айнан шу газетани мутолаа қилишдан бошлайман.

**Анорбой САМАДОВ — Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Самарқанд вилояти вакиллиги директори:**



— Бу газета менинг ҳаётимда нурли из қолдирган. Умуман, унинг саҳифаларидан республика фермерлари фаолиятидаги ижобий тажрибаларни ва ҳатто салбий ҳолатларни ҳам тез-тез ўқиб турамиз. Ўзга вилоятларга бормай, ҳамкасбларингнинг қадам олишини билиб турсанг — қандай яхши!

**Нажмиддин ШАМСИЕВ — Навоий вилояти автошоҳбекатлар бирлашмаси раҳбари:**



— Мен журналистларни ҳурмат қиламан. Чунки ҳаётимдаги айрим оғир дамларда газета ходимлари ёнимда туриб курашган, адолатни қарор топтиришган. «Халқ сўзи»да эса қалами ўткир журналистлар кўп. Биз газета орқали буни яхши биламиз. Илтимос шуки, айни вақтда транспорт соҳасида силжишлар билан бирга муаммолар ҳам бисёр. Булар ҳақида «Халқ сўзи»да мунтазам бериб борилса...

**Маламинжон АҲМЕДОВ (Фарғона тумани) — пенсионер:**



— Журналистларнинг «коварний» саволлар беришига беш кетаман-да. Баъзан одамни шоширибам қўяди. Мен қарийб 35 йил шифокорлик қилдим, аммо бу худо ёрлақаган касб эгалари билан доимо ёнма-ён ишладик. Буларнинг барчаси газетани яхши кўрганлигимиздан. Мен газеталарни кўп ўқийман, аммо уларнинг энг биринчиси «Халқ сўзи» бўлади.

**Э.БОЛИЕВ ёзиб олди.**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

# ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энди Ўзбекистоннинг яқин ўтмишдаги парламентчилик фаолиятига назар ташлайлик. Собиқ СССР даврида Ўзбекистон парламенти — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, деб аталарди. Лекин унинг фаолияти парламентаризм талабларига жавоб беролмасди. У асосан ратификация ва ташвиқот органи вазифасинигина ўтарди. Шу ўринда табиий савол туғилади: якка ҳукмрон коммунистик партия иродасини ифода этишга маҳкум бўлган парламентдан яна нимани кутиш мумкин?

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон олий давлат вакиллик органи — мазмун ва моҳият жиҳатидан мутлақо янги бўлган парламентни шакллантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Чунки шўролар давридаги парламентнинг фаолият юритиш механизми ҳам, унга ўтказиладиган сайловларнинг мазмун-моҳияти, шаклу шамойили ҳам янги давр, янги замонга мос келмай қолди. Ва шу боис 1994 йилда илк бор кўппартиявийлик асосида бўлиб ўтган сайловлар натижасида бир палатали, 250 нафар депутатдан иборат Олий Мажлис ташкил топди.

Айни пайтда Ўзбекистондан ташқари Ҳамдўстликка аъзо бўлган 12 та давлатнинг олтитаси (Тожикистон, Туркманистон, Арманистон, Грузия, Озарбойжон, Молдова)да бир палатали парламент фаолият кўрсатяпти. Қолган 5 таси — Россия Федерацияси, Қирғизистон, Қозоғистон, Беларусь ва Украинада эса икки палатали парламент ташкил этилган.

Гап мамлакатимизда икки палатали парламентни жорий этиш ҳақида кетаётган пайтда яна бир савол туғилиши мумкин: хўш, Ўзбекистон нега мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ана шундай йўлдан бормади, яъни қўшниларимиздек икки палатали парламентга асос солинмади? Нима учун?

Зеро, ҳар бир нарсанинг боши ва охири ёхуд ижобий ва салбий томонлари бўлганидек, мазкур ҳолат ҳам бундан истисно эмас. Тараққиётнинг босқичма-босқич тамойилини маъқул топган Ўзбекистон Парламент ислоҳотида ҳам ана шундай йўл танланди. Қолаверса, биз ҳаммамиз Ҳамдўстлик давлатларидаги парламентлар шаклланиш жараёнининг бевосита гувоҳларимиз.

Баъзи қўшни давлатлардаги янги ташкил топган парламентлар ўшанда қонун қабул қилиш бир четда қолиб, сиёсий найранглар, ҳукумат, давлат раҳбари билан конфронтацияга ўтиб, тор сиёсий манфаатлар теварагида ўралашиб қолишгани ёхуд телевидение орқали намойиш этилган «халқ вакиллари»нинг «қизғин» баҳслари, ҳақоратомуз гаплари, ҳатто бир-бирларини дўппослаш каби ҳолатлар ҳали кўпчиликнинг хотирасидан кўтарилмаган бўлса керак.

Ислоҳотлар эндигина бошланган, фуқаролик жамияти, умуман, давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдевори яратилаётган масъулиятли бир паллада лоббизм, сиёсий «ўйин»лар, олигархлар ва баъзи шахсларнинг манфаатлари устун бўла олиши мумкинмиди? Йўқ, албатта! Зеро, соғлом фикрловчи инсонлар нафақат бундай қиладилар, ҳатто фикрламайдилар ҳам. Шу нуқтаи назар билан қараганда, олимлар, сиёсатчилар, тадқиқотчиларнинг Ўзбекистон ўз тараққиётининг дастлабки босқичида парламентчиликнинг бир палатали моделига асосланиб, тўғри йўл тутганлиги ҳақидаги эътирофларини қўллаб-қувватлаш лозим бўлади. Ўшанда биз ҳам «мода» кетидан қувсак, нотўғри бўлишини бугунги давр яққол исботлади. Ўзбекистон Парламенти хусусида ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам кўплаб фикрлар билдирилди ва билдирилмоқда. Уларнинг ижобийлари ҳам бор, танқидийлари ҳам бор. Хусусан, доктор Левитин сўнгги китобида Олий Мажлис доимий ишламайдиган орган, унда депутатлар профессионал тартибда ишламайдилар, деб ёзади. Шу ўринда озгина баҳс қилсак.

Гарчанд депутатларнинг барчаси Парламентда доимий ишламаса ҳам, уларнинг маълум қисми мунтазам фаолият кўрсатувчи яхлит орган — Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари таркибида, ишчи орган — сессиялар оралиғида котибият ходимлари билан биргаликда қонун яратиш жараёнини бошқарадилар. Бундан ташқари, йил давомида Олий Мажлиснинг коллегиал раҳбар органи — Кенгаш, турли соҳаларга ихтисослашган 13 та қўмита ва 3 та комиссияси мунтазам фаолият юритади. Турли масалалар, хусусан, қонун яратиш жараёнлари бўйича Олий Мажлисда учрашув, музокаралар, мажлислар, муҳокамалар, фракциялар йиғилишлари бўлиб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, бир палатали Парламент ҳали етарли ҳуқуқий базаси шаклланмаган, турли соҳалар бўйича қонунлар танқислиги сезилаётган ёш давлат учун муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Чунки бунда, биринчидан, қонун яратувчилик жараёни тезлашади ва ўзига хос жўшқинлик юзага келади. Шу боис Олий Мажлиснинг дастлабки 5 йиллик фаолияти унумли бўлди, десак муболаға бўлмайди. 138 та қонун, 468 та қарор, 10 та Кодекс, 2 та Миллий дастур қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки босқичида бир палатали парламентнинг ижобий томонларидан тўлиқ фойдалана олди.

Эндиликда Парламент ислоҳотининг янги босқичига қадам қўймоқдамиз. Президент Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида миллий парламентаризмни ривожлантириш ва янада такомиллаштириш хусусида тўхталиб, яқин истиқболда икки палатали қонун чиқарувчи орган яратилиши лозимлиги ҳақидаги муҳим ғояни илгари сурди.

Президентнинг фикрича, бу парламент қуйи палата — Олий Мажлис ҳамда юқори палата — Олий Кенгашдан иборат бўлиши мумкин. Қуйи палатада доимий, профессионал асосда ишловчи турли партиялар вакиллари иш юритадилар. Юқори палата эса минтақалар — Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги маҳаллий кенгашлар томонидан сайланган депутатлардан таркиб топади.

Қуйи палата маҳаллий ҳокимият вакилларидан бутунлай бўшатилади, унинг шаклланишини сиёсий партияларнинг ўзлари амалга оширади. Қуйи палата ўз сайловчилари, жамиятнинг турли қатламлари фикрини ифодалайди. Қонунларнинг яратилиши жараёни ҳам ана шундан келиб чиқади. Юқори палатада эса, асосан тажрибали, ҳаётни кўрган, халқ обрў-эътиборини қозонган кишилар бўлади. Улар ҳам халқ манфаатларини кўзлаб, кенг жамоатчилик фикрини инобатга олиб иш юритадилар. Қонунларни қабул қилишнинг якуний жараёнида палаталар орасида баҳс-мунозара пайдо бўлади. Ва ана шундай йўл билан ҳар томонлама маъқул, турли иллатлардан холи бўлган қарор, мукаммал қонунлар яратилади. Бу ҳақиқат ва адолат тарозуси барқарор бўлади, деганидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халиловнинг яқинда чоп этилган китобида ҳам Ўзбекистонда икки палатали парламентни ташкил этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилган. Муаллифнинг ёзишича, икки палатали парламент бир қанча ўзига хос афзалликларга эга. У, энг аввало, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанат янада барқарор бўлишини таъминлайди. Яъни, тамомила бошқа асосда тузиладиган иккинчи палатани яратиш орқали ҳокимияти бирон тарзда чекланмаган бошқа палата вазмин бўлишига эришилади ва иккинчидан, “назоратчи” палатанинг мавжудлиги туфайли Парламентнинг янада уйғун ишлашига эришилади. Зеро, иккинчи палата биринчи палатанинг баъзан шошма-шошарлик билан қабул қилган қарорларини чуқур ўрганиб чиқиши керак бўлади. Яъни, иккинчи палата биринчи палатининг хатолари ва шошиб қабул қилган қарорлари тузатилишига, қонун ҳужжатлари янада чуқур ва ҳар томонлама ўрганилишига ҳамда бирмунча чуқур ўйлаб чиқилган ва залворли қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Икки палатали парламентнинг яна қандай афзал томонлари бор? 2000 йилнинг 14 март куни Парижда бўлиб ўтган дунё сенатлари Форумида таъкидланганидек, икки палатали Парламент минтақаларнинг, кичик тузилмаларнинг, мамлакатнинг узоқда жойлашган қисмларининг манфаатларига риоя этилишига олиб келади. Иккинчи палата қонунлар чиқариш жараёнида учрайдиган популизм, лоббизм ва енгил-елпи, тор доирадаги манфаатларга қарши турувчи қўшимча фильтр сифатида иш тутади. Анжуманда таъкидланганидек, икки палатали тизим ижроия ҳокимияти билан бир палатали Парламент ўртасидаги ортиқча тортишувларга барҳам беради ҳамда Парламент ва Ҳукумат ваколат-вазифаларининг аралашиб кетишига йўл қўймайди.

Икки палатали Парламент федератив давлатлар учун, шунингдек, қонун чиқарувчи органнинг тутган ўрни мустаҳкам бўлган ва Парламент анъаналари ривожланган унитар давлатлар учун кўпроқ тўғри келади.

Бизнингча, икки палатали парламентнинг Ўзбекистон учун афзал жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

— Гарчанд Ўзбекистон федератив давлат бўлмаса ҳам, лекин мавжуд минтақалар — вилоятларнинг ўзига хос томонлари ва у ерда истиқомат қилувчи халқ менталитетининг ўзгача жиҳатлари борлигини ҳам эътироф этиш лозим;

— Ўзбекистон ҳудуди катталиги боис парламентда минтақалар манфаатларини ҳимоя қилиш;

— минтақалар шарт-шароити, иқлими, салоҳияти ва потенциали даражаси ҳар хиллигини инобатга олсак, бу жуда муҳимдир. Чунки парламент нафақат қонун чиқарувчи, балки олий вакиллик органи ҳамдир. Шунинг учун ҳам унда барча ҳудудларнинг тенг тақсимланган вакиллари ҳам ўз ўринларига эга бўладилар;

— шу билан бирга, икки палатали парламентга ўтиш жамиятни янада либераллаштириш, профессионал депутатлар, юқори савияли сиёсатчилар синфининг пайдо бўлиши ҳамда ўз электоратига эга турли қатламлар манфаати учун курашувчи сиёсий партиялар фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Икки палатали парламентнинг юзага келиши учун, табиийки, амалдаги Конституцияга тегишли ўзгартишлар киритиш лозим. Бунинг учун умумхалқ референдуми ўтказилади. Парламент ҳамда сайловлар тўғрисидаги қонунларни қайтадан кўриб чиқиш, лозим бўлса, янгиларини қабул қилиш зарурати пайдо бўлади.

Ана шундай ислоҳотлар натижаси ўлароқ, жамият ва сайловчилар янги тарихий жараёнларни бошдан кечирадилар. Ва бу ўзгариш ҳамда янгиланишлар сиёсатчилар, олимлар, зиёлиларнинг кенг доираси, ОАВ вакиллари учун муҳим синов даври бўлади. Бу ўз навбатида яна бир бор Ўзбекистон демократиянинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан бораётгани, ўз сиёсий институтларини тобора такомиллаштираётганини намоён қилади.

**Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ,**
**сиёсий тадқиқотчи.**

**Ўзбекистон ва Корея ўртасида ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Корея Республикаси ҳукумати мамлакатимизга қиймати 1,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган асбоб-ускунани етказиб беради.**

## ЎЗАРО ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Яқинда Корея Республикасининг ташқи ишлар ва савдо вазирликлари, шунингдек, Кореянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) вакилларидан иборат делегация Тошкентга ушбу масалани муҳокама этиш учун ташриф буюрди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари раҳбарлари билан учрашди. Музокаралар давомида республикамизга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш анжомлари билан жиҳозланган «Тез ёрдам» машиналари, транспорт воситалари, офис ускуналарини етказиб беришга қарор қилинди.

Корея Республикаси элчихонасининг матбуот хизмати хабарига кўра, ушбу асбоб-ускуналар Ўзбекистонга KOICA агентлиги орқали етказиб берилади.

**(ЎзА).**

*Конституция берган имкон*

# «МИНГ ҚЎЙЛИ БОЙ» ҲАР ҚИШЛОҚДА БОР

**Бундан қарийб икки аср олдин Бальзак «Одатлар — бу одамлардир, Қонунлар эса — мамлакатнинг ақли», деган эди. Бош Қомусимизда юртимиз келажаги, халқимиз тақдири, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ақли мужассам. Шу ақл ўзбек давлати ва миллатини етти иқлимга танитди. Унда ифодаланган минг-минг имкониятлардан бири мулкдорлик туйғусидир.**

**Айтингчи, ўн йил олдин бировни мулкдор, тадбиркор дея таърифлаш мумкинмиди? Дурустроқ уй-жой қура олармидик? Бир киши машина минса, «Қаердан олдинг?» дея суриштириларди. Кечагина эмасмиди, «меҳнатсиз даромад» деб аталган, аслида осмондан тушган қарор измида қамалиб чиққанлар?**

Эсимда, қишлоғимиздаги довруқдор бригадир Йўлдош Ёдгоров ўн-ўн беш дона қовунни Конимех бозорида сотаётганида, «ОБХС»га тушиб, судлашгани. Кармана туман халқ таълими бўлими мудири Анвар Аҳмедов (марҳум), бош врач Юсуф Эргашев ўғилларига уй-жой қуриш учун 6 сотихдан ер олишгани учун лавозимидан кетгани.

Қишлоқда яшаб иккитадан ортиқ йирик шохли мол сақлаш мумкинмиди? Бешрабод қишлоғидан бир одамнинг 2 та моли рўйхатга тиркалмай қолгани учун, кўпчилик олдида изза тортганини ҳалигача ҳамма айтиб юради. Иш вақтида шаҳардаги ҳаммомга бориб, «справкасини» кўрсатолмай, партиявий чора олган ҳамюртимиз Қаҳҳор аканинг энди ўз ҳаммоми бор.



Оллоҳга шукурки, энди мустақилмиз. Бош Қомусимизда инсон деган номнинг улуғворлиги ярақлаб, нур сочиб турибди. Унинг ҳар бир жумласида инсон шаъни, қадр-қиммати, мавқеи ўз ифодасини топган.

Конституциямизнинг 36-моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли...», 53-моддасида «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир», дейилган. Ва яна қонун йўли билан кафолатланган. Ахир одамлар бой бўлсагина жамият тараққий этади-да. Бой бўлиш эса ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ.

**Биринчи манзара**. Хатирчи туманидаги «Олтинобод» фуқаролар йиғинига қарашли Қойиш қишлоғида Инат ака Қўйижонов деган пенсионер яшайди. 4 ўғил, 2 қизи бор. Уч ўғил отанинг қаноти, кичиги олий ўқув юрти талабаси. Келинлар меҳнати билан қўшиб ҳисоблаганда, оиладаги 8 киши ойига ўртача 3-4 миллион сўм даромад олаяпти.

— Шўро бизни қулдай ишлатди, — дейди Инат ака. — Йил — ўн икки ой дала бошида умримиз ўтса-да, қўлга фақат кеч кузда пул тегарди. Бошқа пайт қарз сўраб умр ўтарди. Бизлар на ернинг, на хўжаликнинг эгаси эдик. Бор бойлигимиз кирза этик, катта кетмон, қуруқ ҳамён эди. Ҳозир бор-йўғи хусусий тадбиркорман. Ун тегирмоним бор. Ўғилларим Абдураим, Исмоил, Исомиддинлар ўз томорқаларию чорва моллари маҳсулотлари ҳисобидан «минг қўйли» боймиз. Якка деҳқон хўжалиги ҳисобланамиз. Энди ҳақиқий мулк эгаси бўладиган давр келди. 30 га яқин қорамол, қўй-эчки, 100 сотихдан ортиқроқ еримиз ҳисобига даромадимиз мен-мен деган тадбиркорникидан ортиб тушади. Бунинг устига, муаллим келинларим, қизим тикувчиликни ўрганишган. Етиштираётган деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотларимизга йил — ўн икки ой харидор бор.

— Фермер хўжалигини ташкил этсангиз ҳам бўларкан, — сўрайман у кишидан.

— Ҳамма фермер бўлавермайди-ку? Томорқа имкониятларидан тўлиқ фойдаланган киши фермердан кам эмас. Мустақиллик туфайли катта ҳажмдаги томорқаю имкон борича чорва молларини сақлаш ҳуқуқига эгамиз. Ишлаган одам бой бўлиши аниқ. Чунки ўзимиз ҳам, даромадимиз ҳам Конституциямиз орқали кафолатланганини биласиз-а? Яна нима керак?!

**Иккинчи манзара.** Қизилтепалик Истам Холиқовни вилоятда ҳамма танийди ёки у ҳақда эшитган. Кичик дўкончада иш бошлаган ана шу одам ҳозир минг кишилик жамоани бошқараяпти. «Тинчлик» деб номланган кичик фирма эндиликда «Тинчлик» концерни деб аталади. Оддий ҳисоб бўйича 5 минг аҳолини едириб, ичиради. Бу фақат концернда ишлаётганлар. Жамоа ишлаб чиқараётган маҳсулот айланмасини айтсак, жуда катта рақамлар пайдо бўлади.

«Тинчлик» 2 та бақувват фермер хўжалиги, 4 та акциядорлик жамияти, 2 та корхона ва яна шунча фирма ҳамда «НИСО ЛТД» ўзбек-турк қўшма корхоналарини бирлаштирган. Ижарага олинган 500 гектар ерда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш билан бирга, 500 бошдан ортиқ йирик шохли моллар, минг бош қўй, шунча чўчқа парваришланаяпти. Уч йил аввал йирик паррандачилик фабрикаси, «Лочин» акциядорлик жамияти ҳам унга ихтиёрий қўшилди.

— Сабаб?

— Сабаблар беҳисоб, — дейди «Парранда» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Икром Усмонов. — Энг муҳими, маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайиб кетганди. Концернга қўшилгач, аввало, қулай шарт-шароит яратилди. Меҳнатнинг қадр-қиммати ардоқланди. Конституциявий ҳақ-ҳуқуқларимиз ўрнига қўйилди.

Концернга қарашли макарон, колбаса, кондитер цехларида тайёрланаётган маҳсулотларга талаб катта. 250 турдаги маҳсулотлар ўз харидорларини топган. «Темир» акциядорлик жамиятининг уй пойдеворлари, устунлар, плиталар ва бошқа темир-бетон қурилмалари бозори чаққон. Авваллари 118-автобаза деб аталадиган жамоа шу корхона тасарруфида. Концернга қўшилаётган ва қўшилиш ниятидаги кичик жамоалар кўп.

Кўриниб турибдики, жаноб миллиардер Истам Холиқовнинг мавқеи «минг қўйли бой»дан минг карра устун. Ахир Бош Қомусимизда шундай имконият яратилмаганда, мустақиллигимиз олам аро тан олинмаганда, бундай таққос қилинмаган ва ушбу мақола ёзилмаган бўлур эди.

Бир пайтлар озгина бўлсада ўзига тўқ инсонларга нисбатан «Фалончини қаранг, минг қўйли бойдек юради-я» деган таъриф ишлатиларди. Унда халқ донишмандлиги, мулкнинг қудрати уфуриб турибди.

Назаримда, эндиликда бундай таърифга ҳожат йўқ. Минглардан миллионларга, миллиардларга ўтиб кетдик. Қайси қишлоққа борманг, «минг қўйли бой»лар қалашиб ётибди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Тақдимот*

## Шприц Наманганда чиқади

**Давлатобод туманида фаолият кўрсатаётган «Шифо» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Россиянинг Воронеж шаҳридаги ҳамкасблари ҳамкорлигида бир марта фойдаланиладиган тиббиёт шприцлари тайёрлаш корхонасини қуриб битказдилар. Йилига 120 миллион дона жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган қўшма корхона 180 кишини доимий иш билан таъминлади.**

**Кеча вилоят саноатининг ана шу янги тармоғида тақдимот маросими бўлди. Унинг иштирокчилари корхона иш жараёни, жўнатишга тайёрлаб қўйилган маҳсулот туркумини кўздан кечирдилар.**

**Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова иштирок этдилар.**

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ҚУВА ҚАНДОЛАТИНИНГ ДОВРУҒИ БАЛАНД

*Қува нафақат ўзининг ширин-шакар мевалари, сархил анорлари, балки қандолат маҳсулотлари билан ҳам машҳурдир. Айниқса, «Қувақандолат» тамғаси билан қадоқланаётган турфа ширинликлару пишириқларни Фарғона вилоятидагина эмас, балки республикамизнинг барча вилоятларида, ҳатто Ҳамдўстлик давлатларида ҳам учратиш мумкин. Тўғри-да, сифатли, чиройли қадоқланган, устига устак, экологик тоза маҳсулотни ким ҳам севиб харид қилмайди, дейсиз? Яқинда бу ерда 8 турдаги нон ва нон маҳсулотлари, 8 турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди. Бу эса аҳолига қулайлик бўлиб қолмай, олтмишдан зиёд маҳаллий ёшларни ҳам иш билан таъминлади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва қадоқланиши билан ҳар қандай хориж фирмалари билан беллаша олади.*

*— Муваффақиятларимиз сири, аввало, корхонамиздаги ҳар бир ишчи-техник ходимнинг ўз ишига масъулият билан ёндашишида, — дейди корхонанинг илғор ишчиси Санобархон Собирова. — Қолаверса, моддий манфаатдорликнинг юқорилигида.*

***СУРАТДА:** корхонанинг илғор ишчиси Санобархон Собирова тайёр маҳсулотларни намойиш этмоқда.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ЖАҲОЛАТ — ТИНЧ ҲАЁТ КУШАНДАСИ

Давримизнинг машҳур ёзувчиси Чингиз Айтматов XX асрда яратган «Асрга татигулик кун» романидаёқ манқуртизм юзага келаётганлигини бадиий образлар орқали кўрсата олган эди. Адибнинг 60 ёшлиги нишонланганда, Бишкекда дунё театрлари у кишининг асарлари асосида тайёрланган спектаклларни намойиш этди. Биз, академтеатр артистлари шу роман асосида спектаклдан бир парча олиб бордик. Ўшанда мен асарнинг бош қаҳрамони Эдигей образи билан иштирок этган эдим. Маълумки, асарда манқуртлар саҳнаси бор. Унда ўз онасини, ўз ватанини ва бола-чақасини билмайдиган манқурт қиёфасидаги шахс ўз онасини отиб ўлдиради.

Адиб юбилейи тантанасида бўлганимда, ҳали ўша вақтдаёқ японлар ва чехлар шу асар асосида тайёрлаган спектаклларида террористлар пайдо бўлаётганлигини бадиий образлар орқали кўрсата олган эдилар. Бугунги террористларни ана ўша манқуртсимон кимсалар деб биламан. Бунинг жабрини биринчи бор биз, Мустақиллик майдонида бўлган воқеада кўрган эдик. Уларнинг Америкада қилган ваҳшиёна ҳаракатлари эса дунё халқлари юракларини ларзага келтирди. Эндиликда бутун инсоният биладики, терроризм XXI аср вабосидир. Шу боис дунёдаги деярли барча мамлакатлар, уларнинг раҳбарлари ва оддий кишиларгача терроризм вабосини ер юзидан супуриб ташлашга қарор қилди.

Динимизда бир ривоят бор. Инсоннинг бир елкасида шайтон, бир елкасида раҳмон бўлади, дейилади. Террорчилар раҳмондан кечиб, елкасидаги шайтонга бўйсундилар. Уларнинг елкасида шайтон ин қурди. Бу маърифатдан эмас, жаҳолатдан юзага келди. Инсон учун энг даҳшатлиси эса жаҳолатдир.

Биз яқинда Сурхондарёнинг Бойсун тоғлари этакларида ёзувчи Эркин Аъзамнинг сценарийси асосида режиссёр Юсуф Розиқов тайёрлаётган «Дилхирож» фильмида иштирок этдик. Шунда бир неча бор ат-Термизий мақбарасини бориб зиёрат қилдик. Мажмуанинг ҳам бизнинг ўлкамизга, ҳам афғон ерларига нур сочиб турганини тасаввур этдик. Ҳиротда буюк Навоий, Жомий, Лутфий, Ҳусайн Бойқаролар хоки ётибди. Бугунги терроризм хуружидан уларнинг арвоҳлари чирқилламаяптимикан? Бугун биз ишонамизки, эндиликда терроризм таг-томири билан йўқ қилиб ташланади. Шубҳасиз, йигирма йилдан бери уруш жабрини тортаётган Афғонистондаги барча оддий халқлар рўшноликка чиқади. Чунки инсоният қўлидаги тафаккур машъали ҳеч қачон ўчмай ёниб туриши муқаррар.

**Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти.**

*Муносабат*

# БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Икки минг биринчи йилнинг 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида юз берган даҳшатли воқеалар дунёни ларзага солди, замин тебраниб кетгандай бўлди.

Терроризмнинг кучайиб, фожиали оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра олган Президент Ислом Каримовнинг халқаро минбарлардан туриб айтган огоҳлантирувчи сўзлари, афсуски, эътиборсиз қолди. Бугун бутун жаҳон оёққа қалқди! Жаҳон ҳамжамияти ушбу бало-қазога қарши бирлашиб ҳаракат қилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, жаҳон ҳамжамиятининг ҳалиҳануз маълум бир офатга қарши бунчалар якдилу ҳамфикр, ҳамкору елкама-елка курашиши тарихда мисли кўрилмаган ҳодисадир.

Америка Қўшма Штатлари халқаро терроризмга қарши муросасиз кураш эълон қилди, бу кураш дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, амалга оширилади. Юртбошимизнинг шу муносабат билан берган Баёнотида шундай сўзларни ўқиймиз: «... дунё ҳамжамияти, жаҳондаги барча соғлом кучлар бу разил оқимга қарши курашаётган, терроризмни таг-томири билан қўпориб ташлашга тайёр эканини билдираётган бир пайтда Ўзбекистон, йўқ, бу бизнинг ишимиз эмас, бизни тинч қўйинг, деган сиёсат билан чиқса, жаҳон майдонида бошқалар буни қандай тушунади?» Ўзбекистон давлати бу маънода иккиланиб ўтирмади, жаҳонда биринчилардан бўлиб халқаро терроризмга қарши собитлик билан курашаётган давлатлар сафига қўшилди ва ўз қатъиятини намоён этиб келмоқда. Бу — табиий, чунки йигирма биринчи аср вабоси деб аталаётган мудҳиш терроризмга қарши курашга жаҳон ҳамжамиятини бир неча йиллардан бери чорлаб, бонг уриб келаётган ва жабрини тортган Ўзбекистон давлати эзгулик учун улуғ курашдан четда қола олмас эди ҳам.

Терроризм — қўрқув, даҳшату ваҳшат дегани. Инсон табиатан яратишга, бунёдкорликка мойилдир, бу азалдан парвардигор томонидан унга ато этилган олий фазилатдир. Яхши ниятли одам борки, қурсам, тикласам, бунёд қилсам, обод этсам, деган ўйда яшайди.

Одамларнинг онгу тафаккури ўзгариб бормоқда. Бу бутун дунёга, инсониятга тааллуқли, дейиш мумкин. Инсониятнинг юзига оёқ қўйган терроризмга қарши кураш кучаймоқда. Энди жаҳондаги ҳар бир одам, миллатидан қатъи назар, шу она замин учун, унинг бугуни, келажаги учун ўзини жавобгар, масъул ҳисоблаши керак. Бу фақат давлат раҳбарининг, давлатнинг эмас, балки оддий фуқароларнинг ҳам бурчидир.

Жаҳонни асраш, тинчликни авайлаб-ардоқлаш — эзгулик учун кураш дегани. У барчамизга бирдай тааллуқлидир.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

*Сайёҳларни чорлар бу диёр...*

# БУЮК ЙЎЛНИНГ БИР БЕКАТИ



**Қорақалпоғистон Республикасида халқаро туризмнинг «олтин ҳалқаси»ни яратиш мумкин**

**Истиқлол шарофати билан жаҳон сайёҳларининг Қуйи Амударё воҳасига бўлган қизиқиши янада ортмоқда. Айниқса, сайёҳларнинг Марказий Осиё «гавҳари» — Хива сафаридан сўнг ўнг қирғоқдаги янги туристик йўналишларни танлаши одат тусига кирмоқда. Кейинги пайтда бир вақтлари Буюк Ипак йўлининг муҳим бекати ҳисобланган ҳозирги Қорақалпоғистон замини жаҳон археологиясининг эътиборини ҳам тобора ўзига тортмоқда.**

Зеро, бу ерда қадимги Калтаминор, Тозабоғёп, Амиробод, Тагискен, Кердер маданиятлари, «Авесто», аҳмонийлар, эллинлар, қангюйлар, кушонлар, африғийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, ануштегин — Буюк Хоразмшоҳлар даврларига оид мингдан ортиқ кўҳна маконлар, қўналғалар, қалъалар, қўрғонлар, қасрлар, сардобалар, мудофаа деворларининг сон-саноқсиз қолдиқлари бор. Очиқ осмон остидаги бу ажойиб «музейлар мажмуаси» бўйлаб халқаро туризмнинг беқиёс «олтин ҳалқаси»ни тузиш мумкин.

Фикримизча, «ҳалқа» Қорақалпоғистон Республикасини Хоразм вилояти билан Амударё орқали боғловчи понтон кўприкдан ўтган жойдан бироз наридаги қадимги Кот шаҳри қолдиқларидан бошланиши керак. Юзлаб тарихий, археологик манбаларда бу шаҳарнинг 305-995 йилларда Хоразм давлатининг пойтахти бўлгани, африғий ҳукмдорлар уни Мовароуннаҳрнинг энг нуфузли шаҳарларидан бирига айлантиргани баён этилади. Эътиборли жиҳати шундаки, бу шаҳарда 973 йилнинг 4 сентябрида наинки бугунги Ўзбекистон, наинки Турон замини, наинки Шарқ ўлкалари, балки бутун жаҳондан етишиб чиққан қомусий алломалардан бири Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний туғилади. Улуғ Берунийнинг беқиёс мураббийси Абу Наср ибн Ироқ ҳам ўз илмий фаолиятининг «қаймоғини» айнан Котда такомилга келтиради. Ажаб эмаски, бир неча йилдан кейин пойтахт мақомини олган Маъмун академиясида кенг кўламда фаолият кўрсатган Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Берунийдан ташқари Абул Хайр ибн Хаммор, Абу Мансур Саолибий, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Али ибн Мисқавайх, Абу Ҳаким Котий каби алломалар аввал шаҳри Кот сувини ичганлар, бўлғуси Байтул-Ҳикма куртагига шу ерда асос солганлар.

Киндик қони Хоразмнинг табаррук тупроғига тўкилган улуғ Берунийга олис Ғазна заминида сўнгги манзил бўлган эди. Мустақиллик берган имконият, Бобур номидаги халқаро жамғарма ва маҳаллий фаоллар саъй-ҳаракати туфайли бобокалонимизнинг рамзий ҳоки Кот шаҳри қолдиқлари ёнига келтирилди. Ҳозир бу ерда Абу Райҳон Беруний музей-мажмуаси барпо этилмоқда. Мажмуа ҳар томонлама халқаро туризм талабларига жавоб берадиган бўлади.

Сайёҳлик йўналишининг иккинчи нуқтаси қилиб шаҳри Кот қолдиқларидан икки-уч чақирим нарида, «Қиётобод» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган Фил қалъаси (баъзи манбаларда ал-Фир қасри, деб юритилади) қолдиқларини белгилаш мумкин. Ал-Фир қасри бизнинг эрамиз арафасидаги Хоразм тарихи ва меъморчилигидан ёрқин далолат беради. Академик Яҳё Ғуломов ўзининг «Хоразмнинг суғорилиши тарихи» номли ноёб асарида Кот шаҳри яқинида эрамиздан бир неча аср муқаддам Гикатей Милетский томонидан тилга олинган Хоразм шаҳри бўлганини ёзган эди. Бир неча йилдан буён Беруний туманининг «Озод» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Ақчахонқалъа харобаларида иш олиб бораётган Ўзбекистон — Австралия археология илмий гуруҳи иштирокчилари — қорақалпоғистонлик археологлар В. Ягодин, Ғ. Хўжаниёзов ва Сидней университети профессори А. Беттсхоним мазкур тарих ёдгорлиги ўша қадимги Хоразм номли шаҳар бўлгани юзасидан дастлабки хулосага келдилар. 2000 йилнинг 10-12 октябрь кунлари Элликқалъа туманида ўтказилган «Жаҳон маданияти тарихи тизимида Қадимий Хоразм цивилизациясининг ўрни» халқаро симпозиумида Россия Федерацияси, Франция ва бошқа мамлакатлардан келган йирик олимлар Ақчахонқалъада олиб борилаётган археологик тадқиқотларга юксак баҳо бердилар. Бу симпозиум доирасида «Қадимий Тошхирмон воҳаси археологияси» дала семинари ҳам ўтказилди. Чунки Ақчахонқалъа яқинида, Беруний ва Элликқалъа туманлари чегарасидаги Тошхирмон воҳасида сайёҳлар учун эътиборли жойлар бор.

«Олтин ҳалқа»нинг учинчи манзили қилиб дастлабки асрлар Хоразм тарихига мансуб Думанқалъа ёдгорлигини танлаш мумкин. Яна бир эътиборли томони шундаки, минг йиллар аввал Думанқалъа орқали Буюк Ипак йўлининг бир шохобчаси ўтган бўлса, истиқлолнинг ўн йиллиги арафасида ёдгорлик ёнида қад тиклаган темир йўл бекати пўлат излар воситасида мамлакатимиз ҳамда Қорақалпоғистон пойтахтларини бирлаштирди.

Сайёҳлик йўналишининг кейинги нуқталари қилиб кетма-кет жойлашган Елликқалъа («Шабадали қалъа»), Кичик Гулдурсун, Катта Гулдурсун қалъаларини ва қадимий Норинжон шаҳристонини белгиласак, айни муддао бўлади. Қадимий Норинжон вали ҳазратлари мақбараси атрофи қадамжога айланган бўлиб, у ерда Қуйи Амударё воҳасининг бир қатор муносиб фарзандлари, шу жумладан, беқиёс ҳофиз Отажон Худойшукуровнинг ҳоки қўйилган.

Норинжон қалъадан кейин Қумбосганқалъа ва Бургутқалъа орқали яна бир ажойиб манзил — Қўйқирилганқалъага борилади. Қўйқирилганқалъа айнан «Авесто» китоби «Катта Хоразм» давлатининг мафкура негизига айланган даврга мансуб бўлиб, тожик академиги М. Асимов эрамиздан аввалги IV асрда Қўйқирилганқалъа ўзига хос расадхона вазифасини ўтаганини исботлаб берса, қатор олимлар бу бетакрор бино зардуштийларнинг астрологик маскани бўлганини қайд қилганлар.

Қўйқирилганқалъадан кейин қадимги Амиробод маданияти қўналғалари ўрнида қад тиклаган Ёнбошқалъа, Бозорқалъа, Қўрғошинқалъа, сўнгра Катта Қирққиз, Кичик Қирққиз қалъаларини кўрган маъқул.

Кичик Қирққиз қалъасидан бир чақирим нарида баланд табиий мармар ва гранитдан иборат тепаликда Кушон империяси даврига доир 3 та Аёзқалъа мажмуаси ҳам замон тўфонларига қасдма-қасд қад кериб турибди. Бу ерда «Аёзқалъа» хусусий туристик фирмасининг ўтовларига дуч келасиз. Фирма сайёҳларнинг бу гўзал кенгликда, табиат бағрида хоҳлаганча истиқомат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб қўйибди. Шу кунгача ўндан ортиқ Ғарбу Шарқ мамлакатлари сайёҳлари мазкур фирма хизматидан мамнуният билан фойдаландилар.

Аёзқалъадан равон йўл сайёҳни бошқа манзил — навқирон Бўстон шаҳри яқинидаги Қаватқалъага олиб боради. Бу мажмуада Хоразм тарихининг бир неча даврига оид қаср, қўрғонлар, шу жумладан, антик замон театри мавжуд бўлган. Ўша қадимий театр қолдиқлари яқинида замонавий Санъат саройи қад тиклади, Ўзбекистон Фанлар академимияси Ботаника боғи шохобчаси барпо этилди.

Сон ҳисобидан йигирманчи манзил Қадимги Хоразм ҳукмдорлари қароргоҳи бўлган Тупроққалъа саройи қолдиқларидир. Йирик археолог С. П. Толстов раҳбарлигида ташкил этилган Хоразм археология — этнография илмий экспедиция аъзолари Тупроққалъадан жаҳон археологияси учун ниҳоятда муҳим бўлган ашёлар топди. Айниқса, сарой харобасидан топилган қадимги Хоразм ёзуви намуналари бутун Ўзбекистон давлатчилиги тарихи учун нодир кашфиёт бўлди.

Тупроққалъадан сўнг «олтин ҳалқа»да ажойиб ёдгорлик Қизилқалъа, мусулмон олами учун алоҳида азиз бўлган Султонувай Қорайний мақбараси, Гаврқалъа, Ёмпиққалъа, зардуштийлар даврининг бетакрор ёдгорлиги Чилпиқ бор.

Йўналишнинг «олтин саҳифаларида»дан яна бири Хўжайли шаҳри яқинидаги Миздакхон мажмуасидир. Ўрта аср тарихчилари Миздакхонда 12000 қаср ва қўрғон бўлганини ёзишган. Ҳозир бу ердаги Назлимхонсулув, Шомун наби, Ережеп Халифа, Жўмард қассоб мақбараси ҳамда хонақоҳлари сайёҳларнинг севимли масканига айланган.

Нукус атрофида, Қўнғирот заминида, Бўзатау бағрида, Уст-юрт адирларида ҳам тарихимизнинг олис ва яқин даврларига мансуб ўнлаб ёдгорликлар, Уст-юртда қудратли аждодларимиз томонидан барпо этилган Буюк Хоразм девори қолдиқлари мавжуд.

Буларнинг барчаси бугунги кунда катта қийинчиликларни мардона бартараф этаётган, истиқболга умид билан кўз тикаётган Қорақалпоғистон Республикасида халқаро туризмнинг «олтин ҳалқаси»ни яратиш зарурлигини яна бир бор исботлаб турибди. Яқинда Тошкентда ўтказилган халқаро туристик ярмаркада қорақалпоғистондаги тегишли муассасалар ҳам фаол қатнашдилар. Эндиликда кўз очган сайёҳлик булоғига доимий маром бахш этиш вазифаси қолди, холос.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Хотира*

# ИККИ ХАЛҚ ФАРЗАНДИ



Жонибек Қувноқ қардошлик куйчиси, қалби улкан шоир эди. Биз матбуот даргоҳининг бир биносида, ёнма-ён хоналарда, ҳамкорликда кўп йиллар бирга қалам тебратдик. У буюк устоз Садриддин Айний, Тожикистон халқ ёзувчиси Фотиҳ Ниёзий, забардаст ижодкор Муҳаммаджон Васфий анъаналарини давом эттириб, икки қардош эл — ўзбек ва тожик халқлари тилларида ижод этган ардоқли шоирдир.

У қадимий Нурота тоғларининг осуда бағридаги Фориш қишлоғида 1941 йилнинг нотинч кузида дунёга келди. Онаси уни бағрига олганида, отаси қўлига қурол ушлади. Уруш майдонларида фашистларга қарши курашда ҳалок бўлди. Жонибек ота дийдорини кўролмади. Соғинч дарди унинг бир умрлик ҳамроҳига айланди.

Талабалик йилларидаёқ шеър машқ қилиб юрган бўлғуси шоир дастлаб ўз қишлоғида меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлади. Сўнг Тошкентга «Ҳақиқати Ўзбекистон» («Овози точик») рўзномасига ишга таклиф этилди. У дастлаб адабиёт бўлими бошлиғи, кейин бирмунча муддат муҳаррир муовини вазифаларида самарали хизмат қилди. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида эса тожик адабиёти бўлимини бошқарди. Шеърият мухлисларига «Юрак тўлқинлари» номли шеърий тўпламини тақдим этди.

Жонибек ўзбек адабиётининг жонкуяр таржимони ҳам эди. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони, Эркин Воҳидов, Жуманиёз Жабборов, Барот Бойқобиловнинг шеърлари, Абдулла Ориповнинг «Ҳаким ва ажал» достони, Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романи унинг таржимасида тожик ўқувчиларининг севимли асарларига айланган.

Унинг ёрқин, самимий, доимо табассумли чеҳраси қалбларга жо бўлиб қолган. Зеро, у ҳаёт бўлганида, бугун ўзининг 60 ёшини қаршиларди. Начора, тақдир инсонга бўйсунмас экан-да. Айни қирчиллама ёшида бизларни тарк этиб кетган Жонибек Қувноқнинг умри боқийдир.

**НАЗАРМАТ.**

## ВАТАН МЕҲРИ

***Эй, она тупроғим — кўзим сурмаси,***
***Иқбол тимсолида кўраман сени.***
***Муҳаббат бўлса гар ҳаётнинг боли,***
***Шу бол тимсолида кўраман сени.***
***Зардан қуйсалар гар уйим ғиштини,***
***Ойни этсалар гар уйимга чироқ.***
***Керакмас бу шавкат, аввал сенга у,***
***Шавкат келтирмаса, эй, она тупроқ!***
***Тоғларинг кўкўпар, бошим осмонда,***
***Боғларинг шарбатдор — асалдир тилим.***
***Нафасинг беғубор, ниятим холис,***
***Кенг эрур қучоғинг, кенгдир манзилим.***
***Озодсан, парвозим етар осмонга,***
***Дилшодсан, юзимдан аримас ханда.***
***Ободсан — шеъримда гул, булбул мадҳи,***
***Мушфиқсан — уйимдан дўст бўлмас канда.***
***Эй, она тупроғим, сенинг таърифинг***
***Сиғмас достонларга, сиғмас оламга.***
***Сенинг қучоғингда яшамоқ асли***
***Қиёссиз бахт эрур ҳар бир одамга.***

**Жонибек ҚУВНОҚ.**

# ДИҚҚАТ! ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

ТАДБИРЛАРИ БОШЛАНДИ

***Ҳурматли ҳамюртлар!***

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 7 ноябрдаги 622-Ф сонли фармойишига асосан, халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш мақсадида 15 ноябрдан 15 декабрга қадар республикада ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади. Унга кўра, ҳар биримиз бу даврда ўзимизнинг яшаб турган хонадонларимиз, турар жойларимиз ва иш ўринларимизни яна бир бор кўздан кечириб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришимиз,ёнғин хавфсизлиги талабларининг тўлиқ бажарилишига эришишимиз талаб қилинади.*

***Азиз ватандошлар!***

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш билан Сиз давлат мулки ва шахсий мулкингизни ёнғин балосидан асраган, шунингдек яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ёнғин хавфсизлиги ойлиги тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.***

4993

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг жамоаси масъул ходим Тоир Амирович Йўлдошевга, опаси **Мелинисо ЙЎЛДОШЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзагромашсервис» уюшмаси жамоаси «Техникалар сервиси ва таъмирлашнинг замонавий усулларини жорий этиш» бўлимининг бош мутахассиси **Рустам ТУРСУНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти жамоаси «Микробиология, вирусология ва иммунология» кафедрасининг собиқ доценти, тиббиёт фанлари номзоди **Раиса УМАРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси кутубхона директори Файзинисо Болтахоновага волидаси **АЗИЗАХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


ЖАҲОНДА ЭЛЕКТР УСКУНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ПЕШҚАДАМ makita КОРПОРАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ ВА ҲАМКОРЛИККА ДИЛЕРЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

КАФОЛАТ. СЕРВИС ХИЗМАТИ.



- ПЕРФОРАТОРЛАР
- АВТОМАТИК БОЛҒАЛАР
- ЭЛЕКТР ДРЕЛЛАР
- ШУРУП БУРОВЧИЛАР
- МЕТАЛЛ ҚАЙЧИЛАР
- СИЛЛИҚЛАШ МАШИНАЛАРИ
- РАНДАЛАР
- ДИСКЛИ АРРАЛАР
- АККУМУЛЯТОРЛИ АСБОБЛАР

БАРЧА АСБОБЛАР ЕВРОСТАНДАРТГА МУВОФИҚ
makita — СИФАТ ВА ИШОНЧЛИЛИК БЕЛГИСИ.

Тошкент ш, 700000, В. Малясов К., 3, 113 - 115 хон.
Тел.:(998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24.
E-mail: malvil@operamail.com

4674

*Биринчи даражали*
**MAKSIMA**
*салони буюртма бўйича Италия, Испания, Польшадан келтирилган ЮМШОҚ, УЙ-ЖОЙ, ОШХОНА*
**МЕБЕЛЛАРИ**
*ҳамда*
*РАСМЛАР, ҚАНДИЛЛАР, ЁРИТГИЧЛАРНИ*
*таклиф этади. Дид билан ишланган дизайн асосида, каталог бўйича уйингизни жиҳозлаб берамиз. Ўзбекистон бўйича элтиб ҳамда йиғиб берамиз.*

*Манзилимиз: Фурқат кўчаси, 5.*
*Тел. (371) 144-27-15.*
*Дам олиш кунисиз ишлаймиз.*

Халқлар дўстлиги кўчаси. Цирк. Навоий кўчаси. МАКСИМА мебель салони. "Ўзбексавдо" савдо расталари

4644

БАРЧА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ
**ДИҚҚАТИГА!**
**Rahnamo**
КОМПАНИЯСИ

**МДҲ ва Европа давлатларидан халқ истеъмоли моллари, дори-дармонлар ва ускуналарни тўғридан тўғри етказиб беради:**

- бутун дунёдан сут маҳсулотлари (сариёғ,қуйилтирилган сут,сут кукуни,маргарин);
- истеъмол мойлари (маккажўхори,кунгабоқар,зайтун,пальма);
- шакар;
- буғдой уни,гречиха,гуруч ва бошқалар;
- озиқ-овқат қўшимчалари,ранг берувчилар, хушбўйлантирувчилар;
- озиқ-овқат,каустик,кальцийлаштирилган сода (Россия);
- Россиядан қоғоз маҳсулотлари (газета,офсет ва гулқоғозлар);
- Россиядан металлопрокат (цинкланган лист,профнастил,қувур,швеллерлар);
- Россиядан турли ўлчам ва русумдаги флоат-ойналар;
- барча турдаги қурилиш моллари;
- хомашё ва материаллар (ПВХ,ПВД);
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуналар.

**Шунингдек, МДҲ давлатлари ва Европадан сизни қизиқтирган маҳсулотларни тўғридан-тўғри улгуржи тарзда етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.**

**Маҳсулотлар миллий валюта — сўмда ёки АҚШ долларида CIF Тошкент шартларида етказиб берилади.**

***Тошкент шаҳар, «Буюк Ипак йўли» кўчасидаги электрон таблога маълумотларингизни ва рекламангизни жойлаштириш бўйича хизмат кўрсатади.***

Барча буюртмаларингизни ўзаро манфаатли шартларда бажариш кафолати.

Телефонлар: 136-70-35, 136-79-09, 136-78-74.
Факс 136-24-65.
E-mail: rahnamo@online.ru

4963

ПетроВЕС®
www.petroves.ru
электрон тарозилар



Автомобиль, вагон, стол ва платформа тарозилари.

Сотув, сервис хизмати ва таъмирлаш

Расмий дистрибьютор
UCD Micros®
С. Азимов к., 72-"а". 120-68-61, 120-68-62, 132-06-61, 133-99-13, 132-06-85.
www.ucdgroup.com E-mail: ucd_sale@yahoo.com; micros@ucd.uz

4929



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 3015, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди 21.30*
1 2 3 4 5 6